

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 11 » апрель 20 19 г.

№ 297

Toshkent sh.

**Ёғоч қириндили плиталар ва уларнинг муқобил турларини
ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш бўйича
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Республикада сўнгги йилларда ёғоч қириндили плиталар ва уларнинг муқобил турларини ишлаб чиқариш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, хусусан ғўзапоя ва қамиш каби маҳаллий ўсимликларни қайта ишлаш йўли билан импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Шу билан бирга, замонавий технологияларни жорий этиш орқали ёғоч қириндили плиталар ва уларнинг муқобил турларини ишлаб чиқариш қувватларини оширишга, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммолар учрамоқда.

Қурилиш материаллари ва мебель ишлаб чиқаришда фойдаланилиши мумкин бўлган қайта тикланадиган ва тез ўсувчи маҳаллий ўсимликлар хом ашёсидан кенг фойдаланишга етарлича эътибор қаратилмаяпти.

Республикада ёғоч қириндили плиталар ва уларнинг муқобил турларини ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, соҳага илгор технологиялар ва инновацион ишланмаларни жорий этиш, маҳаллий хом ашёдан кенг фойдаланган ҳолда чуқур қайта ишлашни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Республикада ёғоч қириндили плиталар ва уларнинг муқобил турларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни кичик саноат зоналарида ташкил қилиш тавсия этиладиган, қамиш хом ашёси мавжуд бўлган ҳудудлар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда ҳудудларда мавжуд табиий қамишзорлар, улардан фойдаланиш даражаси ва қамишларнинг ўриб олиниши натижасида атроф-муҳитга, ҳайвонот оламига, кўчиб юривчи қушларга зарар етказмайдиган тарздаги саноат усулида фойдаланиш мумкин бўлган қамишзорлар майдонларининг ҳудудлар кесимидаги реестрини шакллантирсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси билан биргаликда мазкур қамишзорлар реестри асосида ёғоч қириндили плиталар ва уларнинг муқобил турларини ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ташкил этиш учун маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этишни таъминласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳудудларда қамиш хом ашёси мавжуд бўлган жойларни ёғоч қириндили плиталар ва уларнинг муқобил турларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларга, фаолият кўрсатиш даврида доимий фойдаланишга ажратиб берилишини ва қамиш хом ашёсини ўриб олишга руҳсат этилишини ўрнатилган тартибда таъминласин.

4. Қуйидагилар:

“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти томонидан қамиш, гўзапоя ва бошқа маҳаллий хом ашёдан ёғоч қириндили плиталар ва уларнинг муқобил турларини ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган “формалин 37%” ва “карбамид А” хом ашёсини етказиб бериш ҳажмлари 2-иловага мувофиқ;

Республикада қамиш, гўзапоя ва бошқа маҳаллий хом ашёдан ёғоч қириндили плиталар ва уларнинг муқобил турларини ишлаб чиқариш бўйича 2019-2021 йилларда яратиладиган қувватлар ва ишлаб чиқариш прогнозлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш кўмитасининг “Навоийазот” акциядорлик жамияти “формалин 37%” маҳсулотини ва “Махам-Chirchiq” акциядорлик жамияти “карбамид А” маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилганлиги тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш кўмитаси товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган “Навоийазот” акциядорлик жамияти томонидан “формалин 37%” маҳсулоти бўйича ва “Махам-Chirchiq” акциядорлик жамияти томонидан “карбамид А” маҳсулоти бўйича монополь юкори нархлар қўлланилишининг олдини олиш бўйича доимий равишда мониторинг олиб борсин.

6. 2022 йил 1 январга қадар ёғоч қириндили плиталар ва уларнинг муқобил турларини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан олиб қириладиган ёғоч қириндили плиталар ва унинг муқобил турларини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, асбоб-ускуналар, уларнинг бутловчи ҳамда эҳтиёт қисмлари белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари маҳаллий иқлим шароитидан келиб чиқиб, терак, павловния ва бошқа турдаги тез ўсувчи ёғочбоп дарахтларни плантация усулида етиштириш учун балл бонитети паст бўлган ерларнинг ўрнатилган тартибда гадбиркорлик субъектларига ажратилишини таъминласин.

Бунда, ёғочбоп дарахтлар плантацияларини ташкил этган тадбиркорлик субъектлари 2022 йил 1 январга қадар ер майдонларида терак, павловния ва бошқа турдаги тез ўсувчи ёғочбоп дарахтлар экилган қисмига ер солиғи тўлашдан озод этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 июлдаги 305-сон қарори билан тасдиқланган Четдан келтиришда юридик шахслар импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинадиган ёғоч-тахта материаллар, ёғоч-тахта ва ёғочдан ясалган буюмларнинг айрим турлари рўйхатидан 6-позиция чиқариб ташлансин.

Мазкур банд 2019 йил 1 майдан бошлаб кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – транспорт вазири А.Ж.Раматов, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири Б.А.Ходжаев ва “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси раиси Б.К.Зарипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 11 апрелдаги 297-сон қарорига
1-илова

**Республикада қамиш хом-ашёси мавжуд бўлган ҳудудлар
хамда қамишни қайта ишлаш корхонаси ташкил қилиниши тавсия
этиладиган кичик саноат зоналарининг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

Т/р	Ҳудудлар номи (туманлар номи, МФЙ номи)	Қамишзор майdonи, га	Қамиш ўсимлигининг мавжуд тахминий йиллик захираси ҳажми (тонна)	Қамишни қайта ишлаш корхонаси ташкил қилиниши тавсия этиладиган кичик саноат зонаси номи
	Республика бўйича:	88 123	475 864	
	шу жумладан:			
	Қорақалпоғистон Республикаси	64 623	348 964	
1.	Мўйноқ тумани	50 359	271 939	Мўйноқ кичик саноат зонаси
2.	Чимбой тумани	4 165	22 491	Чимбой кичик саноат зонаси
3.	Кегайли тумани	7 800	42 120	
4.	Бошқа туманларда жами	2 299	12 415	
	Сурхондарё вилояти	20 000	108 000	
1.	Термиз тумани <i>давлат чегараси ҳудуди бўйлаб</i>	6 500	35 100	Музработ кичик саноат зонаси
2.	Музработ тумани <i>давлат чегараси ҳудуди бўйлаб</i>	13 500	72 900	
	Бухоро вилояти	3 500	18 900	
1.	Пешку тумани <i>Жонгелди ҚФЙ ҳудудидаги “Қорақир 1-контур” табиий сув ҳавзаси атрофи</i>	1 300	7 020	Бухоро шаҳар ва Жондор кичик саноат зоналари
2.	Пешку тумани <i>Жонгелди ҚФЙ ҳудудидаги “Қорақир 2-контур” табиий сув ҳавзаси атрофи</i>	1 100	5 940	
3.	Пешку тумани <i>Жонгелди ҚФЙ ҳудудидаги “Қорақир 3-контур” табиий сув ҳавзаси атрофи</i>	100	540	
4.	Қоракўл тумани <i>“Катта Замонбобо” кўли атрофи</i>	1 000	5 400	

Изоҳ: Ҳисоб-китоблар асосида 1 гектар майдондан ўртача 5,4 тонна қамиш, 1 куб метр ёғоч-қириндили плиталарни (ДСП) ишлаб чиқариши учун 0,72 тонна қамиш зарур бўлади. Лойиҳа қуввати 30 минг куб метр бўлган корхона учун бир йилга 21,6 минг тонна қамиш хом-ашёси керак.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 11 апрелдаги 297-сон қарорига
2-илова

**Республикада қамиш, ғўзапоя ва бошқа маҳаллий ўсимликлардан
ёғоч-қириндили плиталар ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган
“формалин 37%” ва “карбамид А” хом ашёсини ишлаб чиқариш
ва етказиб бериш ҳажмлари**

МИНГ ТОННА

Маҳсулот номи	Ёғоч-қириндили плиталар ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган “формалин 37%” ва “карбамид А” хом ашёсига бўлган талаб прогнози		
	2019 йилга	2020 йилга	2021 йилга
Формалин 37%	7,5	21,0	24,0
Карбамид А	4,3	12,3	22,6

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 11 апрелдаги 297-сон қарорига
3-илова

**Республикада камийш, ғўзапоия ва бошқа маҳаллий хом ашёдан ёғоч
кириндили плиталар ва уларнинг муқобил турларини ишлаб чиқариш
бўйича 2019-2021 йилларда яратиладиган қувватлар ва ишлаб чиқариш
прогноزلари**

минг куб. м

Т/р	Маҳсулот номи	Ёғоч киндили плиталарга (ДСП) бўлган талаб	Лойиҳалар ишлаб чиқариш қуввати	2018 й. ишлаб чиқариш ҳажми	Ишлаб чиқариш прогноزلари		
					2019 й.	2020 й.	2021 й.
	ЖАМИ	505,0	425,0	26,3	60,0	190,0	330,0
	шундан: <i>мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришига</i>	404,0	340,0	21,0	48,0	152,0	264,0
	<i>қурилишда фойдаланишга</i>	101,0	85,0	5,3	12,0	38,0	66,0
	Қорақалпоғистон Республикаси		150,0	0,0	4,0	6,0	98,0
1.	“Сифат Инвест компанияси” МЧЖ (Қораўзақ тумани)		10,0	-	4,0	6,0	8,0
2.	“Мўйноқ ЛДСП” МЧЖ (Мўйноқ тумани)		50,0	-	-	-	30,0
3.	“Future group” МЧЖ (Мўйноқ тумани)		90,0	-	-	-	60,0
	Бухоро вилояти		10,0	0,0	0,0	6,0	8,0
4.	“Тадбиркор” ХК (Ғиждувон тумани)		10,0	-	-	6,0	8,0
	Навоий вилояти		30,0	0,0	0,0	18,0	25,0
5.	“Zhong Tian” МЧЖ ХК (Кармана тумани)		30,0	-	-	18,0	25,0
	Сурхондарё вилояти		195,0	16,0	30,0	127,0	162,0
6.	“Сурхон КСП Гранд” МЧЖ (1-босқич) (Термиз шаҳри)		30,0	16,0	25,0	25,0	28,0
7.	“Сурхондарё таъмирлаш бутлаш” МЧЖ (Термиз шаҳри)		15,0	-	5,0	12,0	14,0
8.	“Сурхон КСП Гранд” МЧЖ (2-босқич) (Музработ тумани)		150,0	-	-	90,0	120,0
	Сирдарё вилояти		30,0	6,8	20,0	25,0	28,0
9.	“Файз” МЧЖ (Сирдарё тумани)		30,0	6,8	20,0	25,0	28,0
	Фарғона вилояти		10,0	3,5	6,0	8,0	9,0
10.	“Яйпан Водий Ламинати” МЧЖ (Ўзбекистон тумани)		10,0	3,5	6,0	8,0	9,0

